

НАЗУҚОВ АБДУКАРИМ КУШАРОВИЧ

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

МОНОГРАФИЯ



Тошкент 2022

УДК: 347.214.2:657:336.22

КБК:38.93(Узб)

Назаров А.К. Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш: назария ва амалиёт.

Монография. Т.: "Fan ziyosi". 2022 йил. 186 бет.

И.ф.д., профессор З.Н.Курбанов умумий тахрири остида чоп этилган.

Тақризчилар:

и.ф.д., профессор

и.ф.д., профессор

М.Алмарданов

К.Р.Ҳотамов

Мазкур монография кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Монография кўчмас мулк объектларининг назарий ҳуқуқий асослари, кўчмас мулк объектлари қийматини шакллантириш ва баҳолаш усулларининг хусусиятларини асослаш, кўчмас мулк объектларини рақамлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сисёатини солиққа тортиш максалидаги ҳисоб сисёатига мослаштириш, кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисобини МХХС асосида такомиллаштириш, асосий воситалар, шу жумладан кўчмас мулк объектлари бўйича амортизация ажратмаларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хориж мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз амалиётида қўллаш, кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш каби масалаларни ўзида камраб олган.

Монография "Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортишни ва аудитини такомиллаштириш" мавзусидаги иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг натижаларини камраб олган. Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил, аудит ва солиқ тизимидаги мутахассисликлар ва шу йўналишдаги илмий тадқиқотларни олиб бораётган изланувчиларга мўлжалланган.

Монография Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фикал институт Кенгашининг 2022 йил 31 январдаги №11 - сон қарори билан чоп этишга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-7088-6-0

© А.К.Назаров, 2022

© —"Fan ziyosi", 2022

КИРИШ

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан мамлакатимиз тараққиётни янги босқичга кўтариш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларни ривожлантириш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ юқини камайтириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида жуда катта тадбирларни амалга ошириш каби муҳим масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: *"Мен бу ерга солиқ тўловчиларнинг вакили бўлиб келдим. Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юқини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Солиқчилар жазоловчи эмас, қўмақчи бўлиши керак"*, деган Шавкат Мирзиёев.¹

Бундан ташқари мамлакатимизда "2026 йилга бориб иқтисодиётта солиқ юқини 25 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шунингдек, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мўлжалланган."²

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш, солиқ ва молия сийёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича мамлакатимиз Президентининг бир қанча қонун ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан кўчмас мулк объектларини бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизимини жорий этилди. Кўчмас мулк моддий бойлик, даромад олиш воситаси ва инвестиция объекти сифатида қаралади. Кўпгина мамлакатлар кўчмас мулкка солиқ солишнинг аралаш маъмурий ва иқтисодий механизми билан тавсифланади. Бундай механизм қуйидаги воситаларни ўз ичига олади: иқтисодий баҳолаш,

¹ [uz/news/2023-yilda-k-k-s-kamaytirilib-yer-va-mulk-soliq-lari-birlashtiriladi](https://news.uz/2023-yilda-k-k-s-kamaytirilib-yer-va-mulk-soliq-lari-birlashtiriladi).

² Давлат солиқ қўмитасида соҳани тажомиллаштириш бўйича навбатдаги ўтказилган йиғилиш.

қийматни янгилаш, индексатция қилиш, ҳудуднинг нарх хариталарини қуриш ва бошқалар. Бу умуман олганда, инвестиция салоҳиятини ошириш учун кўчмас мулкдан самарали фойдаланишдан далолат беради. Бирок, бозор иштирокчиларининг мақсадларга қараб қийматни аниқлашдаги мотивациясининг қарама-қаршилиги бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати бундай қарама-қаршилиқларни эътиборсиз қолдира олмайди ва кўчмас мулк солиғи базасини ҳисоблашда бозор воситаларига таяниши керак. Асосий мақсад, кўчмас мулк солиғи базасини реал бозор кўрсаткичларига яқинлаштириш натижасида мамлакат ва фуқаролар манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, кўчмас мулк қийматини малакали баҳолаш давлат ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида тўғри қарор қабул қилишга амалий ёрдам беради.

Кадастр баҳолашни ўтказишда ўхшаш хусусиятларга эга бўлган кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини аниқлаш учун ягона моделларни яратиш жараёнида оммавий баҳолаш усуллари қўлланилади. Бирок, кўчмас мулкка нисбатан оммавий баҳолаш усуллари қўллаш имконияти мавжуд бўлмаганда, кадастр қиймати асосида алоҳида баҳолаш усуллари қўлланилади.

Халқаро амалиётда кўчмас мулкни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олишда бир нечта молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан (МХХС) фойдаланилади, жумладан; МХХС (IAS) 16–“Асосий воситалар”, МХХС (IAS) 2–“Товар-моддий захиралар”, МХХС (IAS) 40–“Инвестициявий кўчмас мулк” ва бошқа стандартлардан. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳақиқий харажатлар (МХХС-16 “Асосий воситалар”) ёки қайта баҳоланган қиймат (МХХС-36 “Активларнинг кадрсизланиши”) стандартларидаги нормалар билан аниқланади”³. “Хорижлик олинлар ҳисоб объектларини ҳаққоний қийматини аниқлашда муаммолар борлигини тан олишмоқда”⁴. Кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро

³ МСФО 16 «Освоённые средства», МСФО 36 «Обесцененные активы». 2018.

⁴ Zak D.M. Spravedlivaya stoimost' - soblazny manipulirovaniya otchetnosti'ya. Novye global'nye riski i metody ikh vyuzvleeniya [Tekst]/Dzherard M. Zak, per. s angl. S.A.Filin: pod red. d.e.n., prof. V.M.Rutguyzera. M.: Maroseyka, 2011. – 230 s. King A. Otsenka spravedlivoy stoimosti dlya finansovoy otchetnosti: Novye trebovaniya FASB [Tekst] /A. King, per. sangl. M.: Al'pina Publisherz, 2011. – 383 s. Mard M. Dzh. Spravedlivaya stoimost' v finansovoy otchetnosti [Tekst]/ M.Dzh. Mard, Dzh. R.Khüchner, St. D.Khayden: pod red. V.M.Rutguyzera. M.: Maroseyka, 2009. – 248 s.

стандартларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш молиявий ҳисобни халқаро амалиётга яқинлаштиради.

Ўзбекистонда кўчмас мулкни баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалиётга МХХСларини қўллаш, кўчмас мулк объектларини солиққа тортишни такомиллаштиришни муҳимлигини белгилайди. Кўчмас мулк объектларини баҳолашда бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматини ҳисоблашнинг аниқ методикаси ишлаб чиқилмаганлиги, солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхати тўлиқ шаклланмаганлиги, уларнинг молиявий ҳисобини ташкил этишда МХХСларини амалиётда тўлиқ қўлланилмаётганлиги долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб “Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий монография ва унда қайд этилган масалалар иқтисодиётда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларга бағишланган.

Кўчмас мулк объектларини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, А. Маршал, Д.Смирнов, В.Обиофорто, Э.Дружилловская, D.Zak, Н.Дугасенко, С.Богачев, О.Лихоманов Н.Куканова, М.Куканова, И.Майбуровларнинг илмий ишларида кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари умумий тарзда тадқиқ қилинган⁵.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Т.Маликов, О.Олимжонов, Ш.Тошматов, Н.Жумаев, А.Ибрагимов, А.Жўраев, Б.Тошмуродова, Н.Каримов, Н.Қўзиева, С.Худайкулов, К.Ахмеджанов, Н.Хайдаров,

⁵ А. Смит Исследования о природе и причинах богатства народов/А.Смит.[пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Д. Рикардо Начала политической экономии и налогового обложения. Избрание/Д. Рикардо [пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; А. Маршалл «Принципы экономической науки Т. III» / А. Маршалл. – М., Издательская группа «Прогресс», 1993. – 350 с.; Д.А.Смирнов Теория и методология имущественного налогообложения: дис. д-ра экон. наук 08.00.10/Смирнов Денис Александрович – М., 2010 – 392 с.; В.Obioforibo United Kingdom – Corporate Taxation/W. Obioforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom (Latest Information 31.03 2015) [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.ibfd.org> (дата обращения: 10.12.2019); Э.С Дружилловская Проблемы применения справедливой стоимости в российском и международном бухгалтерском учёте/Международный бухгалтерский учет, 2014 № 17; D M Zak Spravedlivaya стоимост' - soblazny manipirovaniya otechestvu. Novye global'nye riski i metody ikh vyuzhivleniya [Tekst]/Dzherard M. Zak.; Н.О.Дугасенко Основные направления повышения эффективности амортизационной политики в трансформационной экономике//Научный вестник Новосибирского государственного университета. 2011. № 27. С. 9-13.; С.В Богачев Налог на недвижимость: зарубежный опыт./ Исследовательские отношения в РФ № 4 (187) 2017.; О.В.Лихоманов, Н.Е.Куканова, М.С.Куканова Российская и зарубежная практика оценки муниципальной недвижимости. Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3 Экономика. Экология. №2 (39). 2017., И.А. Майбуров Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. – М., 2011. – 558 с

М.Алмардонов, И.Ниязметов, Ж.Ўрмонов, Д.Кудбиев, М.Пардаев, А.Пардаев, Б.Ҳасанов, Р.Холбеков, И.Исманов, Н.Ашурова, З.Курбанов, Н.Абдусаломова, У.Гафуров, Н.Ризаев, К.Ҳотамов, М.Калонов, К.Уразов, С.Ташназаровлар кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари илмий ишларида қисман ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сон “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-178 сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалалари монографияда ўз аксини топган. Бундан ташқари кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур монографияда ривожланган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқот ишлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси

қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари, оммавий ахборот воситалари ва матбуот органларида расмий эълон қилинган материаллар ҳамда интернет саҳифалари маълумотлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

Монографиянинг биринчи боби “Кўчмас мулк объектларини солиққа тортишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари” деб номланиб, унда Ўзбекистон республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари, кўчмас мулкни солиққа тортишнинг назарий масалалари ҳамда рақамли иктисодиёт шароитида кўчмас мулкни баҳолаш ва кадастр тизимини рақамлаштириш каби масалалар кенг ёритилган.

Монографиянинг иккинчи боби кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисоби, кўчмас мулкнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг ҳалқоро стандартлари асосида такомиллаштириш ҳамда кўчмас мулк бўйича амортизация харажатлари ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган.

Монографиянинг учинчи бобида кўчмас мулкни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, ушбу бобда кўчмас мулкни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳамда кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш таҳлил қилинган, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография барча иктисодий йўналиш ва мутахассисликларда таълим олаётган талабалар ҳамда магистрантлар, бухгалтерия, молия-кредит ва солиқ тизими мутахассислари ҳамда шу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

1-БОБ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан мамлакатимиз тараққиётни янги босқичга кўтариш, иқтисодий ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларни ривожлантириш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ юқини қисқартириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида жуда катта тадбирлар амалга ошириб каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: *"Мен бу ерга солиқ тўловчиларнинг вакили бўлиб келдим. Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юқини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Солиқчилар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши керак"*.⁶

Бундан ташқари "2026 йилга бориб иқтисодийта солиқ юқини 25 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шунингдек, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мўлжалланган."⁷

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, "Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим"⁸.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодийтини барқарор ўсишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган фискал

⁶ [uz/news/2023-yilda-k-k-s-kamaytirilib-yer-va-mulk-solik-lari-birlashtiriladi](https://news/2023-yilda-k-k-s-kamaytirilib-yer-va-mulk-solik-lari-birlashtiriladi).

⁷ Девлат солиқ ҳўмитсида соҳани такомиллаштириш бўйича навбатдаги ўтказилган йўналиш.

⁸ Каримов И.А. Ёшнинг баш мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир – Тошкент.: «Ўзбекистон», 2005 -89 б.

сиёсатининг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Фискал сиёсат молиявий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Фискал сиёсатга берилган баъзи таърифларни келтириб ўтамиз.

Ш.Р.Қобилов ўзининг “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида фискал сиёсатга қуйидагича таъриф берган: “Фискал сиёсат бу давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади. Солиқ сиёсати солиқлар воситасида бюджетга пул тўплашга қаратилади. Унга биноан солиқ турлари аниқланади, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган объектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби белгиланади”⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сон Фармонида фискал сиёсат қуйидагича эътироф этилган: “Фискал сиёсат-давлат фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат даромадлари ва харажатларини муайян иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар учун тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олувчи молиявий сиёсатнинг ажралмас қисми. Ҳукуматнинг солиқларни белгилаш ва маблағларни сарфлаш ҳуқуқларидан фойдаланишига асосланади”¹⁰.

Т.Шодиёв фискал сиёсатнинг аҳамияти тўғрисида қуйидагиларни эътироф этган: “Хорижий мамлакатлар фискал сиёсат намоёндалари Давлат бюджетига солиқ ва тушумларни йиғиш ва уларни сарфлашга тизимли ёндашиб, мураккаб қарорлар қабул қилишда айнан юқорида келтирилган “Data Analysis”, “Big Data” дастурларидан фойдаланадилар. Шу аснода самарасиз бўлган лойиҳалар рад этилади. Бундай тизимли қарорлар қабул қилиш беш босқичда амалга оширилади: муаммони аниқлаш, муаммони ҳал этишнинг муқобил ечимларини ифодалаш, лойиҳани амалга оширишга қўйилган иқтисодий ва ижтимоий мақсаднинг мезонини белгилаш, кўп вариантлардан муқобилини танлаш ва жорий этиш. Ниҳоят компьютерда дастур ва алгоритм ёрдамида келажакдаги сценарийлар тузилади ва ундан энг самарали битта ечим

⁹Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 775 б.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони.

топилади”¹¹.

Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” кўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланган “Фуқаролар учун 2021 йил бюджет” лойиҳасида фискал сиёсат қўйидагича акс эттирилган: “Фискал сиёсат - бу давлатнинг солиқ солиш ва бюджет харажатлари соҳасидаги иқтисодий тартибга солиш мақсадида олиб борадиган сиёсатидир”¹².

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли Қонуни¹³ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарори¹⁴ билан 2021-2023 йилларга мўлжалланган Фискал стратегия, фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози кўрсаткичлари белгилаб берилди.

2021 йил ва келгуси икки йилга мўлжалланган Фискал сиёсат иқтисодий ўсишни қайта тиклаш ва давлат молияси барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

Унинг асосий инструментлари:

Давлат бюджети даромадлари;

Давлат бюджети харажатлари.

2021-2023 йилларга мўлжалланган Фискал стратегиянинг энг муҳим йўналишлари:

Ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда янги “натيجاга йўналтирилган бюджет” тизимини жорий этиш макрофискал лойиҳалар ишончлилигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятни, бюджет жараёни иштирокчиларининг

¹¹Шодиев Т. Фискал институт: Учинчи Ренессанснинг тамал тоши. Халқ сўзи газетаси <https://ks.uz/uzkt/post/fiskal-institut-uchinchi-renessansning-tamal-toshi> 16.01.2021.

¹² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Фуқаролар учун бюджет 2021» лойиҳаси. Тошкент, 2020. © UNDP, 2020 (www.uz.undp.org).

¹³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли Қонуни.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарори.

масъулиятини ошириш бюджет маблагларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини, ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш фискал таваккалчиликларни баҳолаш тизимини жорий этиш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш молиявий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда бюджет жараёни устидан парламент, жамоатчилик назоратини кучайтириш бюджет маълумотларининг очиклиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган фискал сиёсат куйидагиларга йўналтирилган:

- бюджет тушумлари тўлиқлигини таъминлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш ҳамда аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, инвестициявий жозибадорликни ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати ислоҳотларини давом эттириш;


- Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

- Давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш ва фискал таваккалчиликларни бошқариш;

- вазирлик ва идораларнинг барча бюджетдан ташқари ҳисобларини қамраб олиш орқали консолидациялашган бюджет тўлиқлигини таъминлаш;

- бюджет барқарорлигини таъминлаш, жумладан ўрта муддатли истикболда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоизгача пасайтириш.

Фискал сиёсатнинг асосий таркибий қисмлари бу солиқ сиёсати ва бюджет сиёсатларидир (1.1-расм).



1.1–расм. Фискал сиёсатнинг модели.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари давомида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган солиқ сиёсати шакллантирилди ва янада такомиллаштирилмоқда. Солиқ ислохотларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Қуйида уларнинг асосийларини келтириб ўтамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сон “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-178 сон қарори Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилди:

✓ иқтисодийта солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

✓ солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

✓ макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

✓ солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

✓ солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг микдорларини белгилаш;

✓ хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва

ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

✓ солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармонида солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши лозимлиги белгилаб берилган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли қарори¹⁶ қабул қилинди ва ушбу қарор билан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”¹⁷ маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Стратегиянинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

✓ Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш;

✓ солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини яхшилаш;

✓ барча тоифадаги солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий равишда бажариш асосида уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни яратиш;

✓ солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 1-илова “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”.

барқарор солиқ тизимини шакллантириш;

✓ солиқ тўловчилар фаолиятига аралаштиришни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида “инсон омили”ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш;

✓ стратегиянинг асосий йўналишлари этиб солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш;

✓ хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;

✓ солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш;

✓ Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;

✓ Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021-йилда солиқ сиёсати борасида қуйидагиларни белгилаб берди: “Келгуси йилда “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз “оёққа туриб олишлари” учун уларга кўмак беришни давом эттираемиз.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади. Хабарингиз бор, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилган эдик. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингга етди. Шунинг учун мораторий муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман. Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-поқ тадбиркорларни-такрор айтаман -замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-

Бюджет параметрлари ва мўлжаллари (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил параметр	2021 йил параметр	Ўсish %	мўлжаллар			
				2022 йил	Ўсish %	2023 йил	Ўсish %
Консолидациялашган бюджет даромадлари	158 960,1	176 045,7	111	205 712,6	117	235 965,5	115
Давлат бюджети даромадлари (маҳаллий+республика)	128 460,0	145 002,3	113	171 710,5	118	198 620,1	116
Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	25 385,1	25 391,9	132	27 432,7	108	29 644,5	108
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	5 115,0	5 651,5	80	6 569,4	176	7 700,8	168
Консолидациялашган бюджет харажатлари	162 385,0	206 492,8	125	230 519,9	119	257 196,0	116
Давлат бюджети харажатлари	121 856,4	147 679,1	114	163 780,4	117	183 675,0	112
Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	35 413,6	39 962,2	129	45 890,1	117	50 820,2	119
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	5 115,0	5 651,5	81	6 569,4	176	6 569,4	168
Мақсадли жамғармаларига трансфертлар	9 248,1	15 898,9	185	17 930,2	120	21 097,2	144
Бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-3 424,9	-30 447,1	44	-24 807,3	34	-21 230,6	210
Ташқи қарздан давлат дастурига харажатлар	14 394,1	13 200,0	135	14 280,0	109	15 000,0	106

Умумий фискал баланс (профицит +, дефицит -)	- 17 819,0	-17 247,1	97	-10 527,3	95	-6 230,6	84
Давлат қарзларини сундириш	3 289,9	7 767,7	195	10 316,8	128	12 478,2	118

7-ИЛОВА

Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари

Худудлар номи	2019 йил параметр аҳоли жон бошига реал даромад (млн.сўм)	2020 йил учун (млрд.сўм)		
		Даромад	Харажат	Рес. бюджетда н трансферт
Жами	8,5	30 273,9	35 387,8	5 113,9
Қорақалпоғистон Р.	6,2	2 833,3	2 833,3	-
Андижон вилояти	8,2	2 187,4	2 803,6	616,2
Бухоро вилояти	10,7	2 142,3	2 142,3	-
Жиззах вилояти	7,8	1 050,8	1 499,0	448,2
Қашқадарё вилояти	7,5	2 935,7	3 693,8	758,1
Навоий вилояти	13,5	1 353,6	1 353,6	-
Наманган вилояти	6,7	2 016,5	2 994,2	977,7
Самарқанд вилояти	7,7	2 714,8	3 036,6	321,8
Сурхондарё вилояти	7,1	1 741,6	2 580,7	839,1
Сирдарё вилояти	7,7	751,1	1 095,0	343,9
Тошкент вилояти	9,0	2 582,9	2 582,9	-
Фарғона вилояти	6,8	3 005,6	3 357,5	351,9
Хоразм вилояти	8,9	1 402,2	1 859,2	457,0
Тошкент шаҳри	15,3	3 556,1	3 556,1	-

8-ИЛОВА

Иқтисодий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	2020 йил параметр	2021 йилларам етр	Ўсиш	мўлжаллар			
					2022 йил	фарқ	2023 йил	фарқ
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд.сўмда	591 847	688 936,0	116%	843 191,0	122%	985 377,0	117%
1.	Ялпи ички маҳсулотнинг суръати	1,0 %	5,1 %	+ 4,1	5,8 %	+ 0,7	5,4 %	- 0,4
2.	Истеъмол индекси	15,5 %	12,5 %	- 3,0	11,0 %	- 1,2	9,5 %	- 1,5
3.	Саноат	4,9 %	6,5 %	+ 1,6	6,7 %	+ 0,2	7,0 %	+ 0,3

	махсулотларининг ўсиш суръати							
4.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати	2,7 %	2,7 %	0	3,4%	+0,7	3,6 %	+0,2
5.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати	4,8 %	5,6 %	+0,8	5,7 %	+0,1	6,0 %	+0,3
II.	Аҳоли сони, миляг бирликда	33 935,1	34 536,9	601,8	35 152,8	615,9	35 786,9	634,1
	Аҳолининг ўсиш суръати	1,75 %	1,78 %	+0,03	1,79 %	+0,01	1,81 %	+0,02
III.	Меҳнат ресурслари сони, миляг бирликда	18 985,8	19 452,3	466,5	20 004,6	552,3	20 670,5	665,9
1.	Иқтисодий фаол аҳоли	14 946,2	15 358,8	412,6	15 862,4	503,6	16 469,7	607,3
1.1	Расмий секторларда банд бўлган аҳоли	5 691,2	6 246,4	555,2	6 836,8	590,4	7 552,2	715,4
1.2	Норасмий секторларида банд бўлган аҳоли	7 917,5	7 806,9	-110,6	7 776,5	-90,4	7 701,7	-74,8
1.3	Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли	1 337,4	1 305,5	-31,9	1 249,1	-56,4	1 215,8	-33,3
	Ишсизлик даражаси, %	8,9 %	8,5 %	-0,4	7,9 %	-0,6	7,4 %	-0,5
2.	Иқтисодий нофаол аҳоли	4 039,6	4 093,5	53,9	4 142,2	48,7	4 200,8	58,6
	ўқитганлар, таълимдаги ва ёш болали аёллар	1 704,8	1 794,6	89,8	1 898,5	103,9	1 989,3	90,8

9-ИЛОВА

Республика бюджетларининг даромадлари (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил параметр	шундан, тушумлар йўналтирилган бюджет	
		Республика	Маҳаллий
Жами	128 460,0	98 186,1	30 273,9
Бевосита солиқлар	38 119,3	25 187,2	12 932,1
Фойда солиғи	22 051,2	19 839,0	2 212,2
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	16 068,1	5 348,2	10 719,9
Билвосита солиқлар	58 283,9	52 165,6	6 118,3

Қўшилган қиймат солиғи	44 199,7	42 992,4	1 207,3
Акциз солиғи	11 372,2	6 461,2	4 911,0
Божхона божи	2 712,0	2 712,0	0,0
Ресурс тўловлари	20 512,6	15 340,2	5 172,4
Ер қабридан фойдалан-ганлик учун солиқ	15 340,2	15 340,2	0,0
Ер солиғи	2 443,5	0,0	2 443,5
Мол-мулк солиғи	2 381,3	0,0	2 381,3
Сув ресурсидан фой солиқ	347,6	0,0	347,6
Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	11 544,2	5 493,1	6 051,1

10-ИЛОВА

Республика бюджетидан 2020 йилда давлат ташкилотларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари (млрд.сўм)

№	Ташкилот номи	2020 йил учун	шундан:					
			жорий харажатга	улуш %	қуриш ва жиҳозлаш	улуш %	Бошқалар	улуш %
	Жами ажратилган маблағлар	100 830,5	74 026,9	73	12 441,6	12	14 362,0	15
1	Молия вазирлиги	27 588,7	13 260,2	48	2 274,6	8	12 053,9	44
2	Халқ таълими вазирлиги	18 616,7	17 267,2	93	1 283,3	7	66,2	0
3	Мақтабгача таълим вазирлиги	5 178,6	3 667,7	71	1 510,9	29	0,0	0
4	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3 314,7	2 869,1	87	445,6	13	0,0	0
5	Соглиқни сақлаш вазирлиги	3 070,2	1 923,8	63	1 146,4	37	0,0	0
6	Сув хўжалиги вазирлиги	2 682,0	1 702,2	63	979,8	37	0,0	0
7	Транспорт вазирлиги	2 668,3	682,5	26	1 985,8	74	0,0	0
8	Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	2 284,2	784,2	34	0,0	0	1 500,0	66
9	Вазирлар Маҳкамаси	1 480,7	1 245,8	84	43,0	3	191,9	13
10	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	1 457,4	98,5	7	1 358,9	93	0,0	0
11	Давлат солиқ қўмитаси	1 038,5	1 038,5	100	0,0	0	0,0	0

12	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	893,5	438,1	49	455,4	51	0,0	0
13	Маданият вазирлиги	746,5	569,9	76	176,6	24	0,0	0
14	Президенти Администрацияси	742,6	612,6	82	130,0	18	0,0	0
15	Бош прокуратура	734,2	688,2	94	46,0	6	0,0	0
16	Олий суд	448,9	384,9	86	64,0	14	0,0	0
17	Ташки ишлар вазирлиги	421,4	277,4	66	144,0	34	0,0	0
18	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	408,2	8,2	2	0,0	0	400,0	98
19	Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги	224,6	74,6	33	0,0	0	150,0	67
20	Бошқа ташкилотлар	26 830,6	26 433,3	99	397,3	1	0,0	0

11-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг яқсий кўрсаткичлари бўйича
10 йиллик солиштирма

Кўрсаткичлар	2010 йил охирида	2020 йил параметр	Усиш
Аҳоли сони, минг нафар	29 123,4	33 935,1	1,16 бар.кўп
эркаклар сони	14 646,1	17 055,3	1,16 бар.кўп
аёллар сони	14 477,3	16 879,8	1,16 бар.кўп
ўртача умр кўриши ёши	69	73,8	+ 4,8 йил.кўп
Меҳнат ресурслари, минг	16 726,0	18 985,8	1,14 бар.кўп
иқтисодий фаол аҳоли	12 286,2	14 946,2	+ 2 660 кўп
шундан, ишга мухтож аҳоли	663,5	1 337,4	+ 673,9 кўп
ишсизлик даражаси, %	5,4	8,9	+ 3,5 % кўп
Ялпя ячки маҳсулот, млрд	74 042,0	424 113,0	5,7 бар.кўп
ЯИМнинг усиш суръати	8,5 %	5,4 %	- 3,1 % кам
кичик бизнесни ЯИМдаги улуши	52,5 %	59,4 %	+ 6,9 % кўп
аҳоли жон бошига ЯИМ, млн.	2,6	15,3	5,9 бар.кўп
инфляция даражаси, %	7,3	9,7	+ 2,4 % кўп
Ташки савдо айланмаси, млн.дол	22 199,2	39 529,7	1,8 бар.кўп
экспорт, млн.доллар	13 023,4	17 080,5	1,3 бар.кўп
импорт, млн.доллар	9 175,8	22 449,2	1,8 бар.кўп
валюта курси, доллар/сўм	1\$/1 640	1\$/9 560	+ 7 920 сўм
Давлат бюджети, млрд.сўм	13 116,4	110 927,6	8,5 бар.кўп
Солиқ тушумлари, млрд.сўм	12 368,6	101 491,3	8,2 бар.кўп
солиқ юки, %	22,8 %	21,9%	-0,9 % кам
Иқтисодий эркинлик индексида	179 ўрин	140 ўрин	+ 39 кўтар

Кучмас мулк объектлари руйхати

Гурухлар тартиб рақами	Кичик гурухлар тартиб рақами	Гурух номи
I		Бинолар, иморатлар
	1.1.	Газни қайта ишлаш заводи бинолари
	1.2.	Электр станциялари учун бинолар
	1.3.	Газни қайта ишлаш саноати бинолари
	1.4.	Гаражли замин бинолари
	1.5.	Гараж остидаги бинолар
	1.6.	Магистрал қувар транспорти корхоналари бинолари
	1.7.	Алоқа бинолари
	1.8.	Бошқа тоифаларга киритилмаган саноат мақсадлари учун бинолар
	1.9.	Саноат маъмурий бинолари
	1.10.	Саноат маиший бинолари
	1.11.	Насос станциясининг бинолари
	1.12.	Компрессор станциясининг бинолари
	1.13.	Трансформатор подстанциялари бинолари
	1.14.	Электр ва иссиқлик тармоқлари бинолари
	1.15.	Электр станциялари бинолари
	1.16.	Электр бинолари
	1.17.	Электр подстанциясининг бинолари (чуқур киришдан ташқари)
	1.18.	Электр чуқур кириш подстанцияси бинолари
	1.19.	Бошқа тоифаларга киритилмаган турар жойлардан ташқари бинолар
	1.20.	Саноат омборлари бинолари
	1.21.	Истеъмол қилинадиган ёқилги-мойлаш материаллари омборлари бинолари
	1.22.	Иситиш ва иситиш ишлаб чиқариш учун қозонхоналар бинолари
	1.23.	Темир йул вокзали бинолари
	1.24.	Газ тақсимлаш станциясининг бинолари
	1.25.	Магистрал газ қуварининг компрессор станциялари бинолари
	1.26.	Насос станциясининг бинолари
	1.27.	Канализация насос станциясининг бинолари
	1.28.	Саноат иситиш учун бирлаштирилган иссиқлик электр станциялари бинолари

II		иншоотлар
	2.1.	Сув тозалаш иншооти
	2.2.	Йўл қопламасининг капитал тури яхшиланган автомобил йўли
	2.3.	Яхшиланган енгил ёки ўтиш даври тури бўлган автомобил йўли
	2.4.	Суюлтирилган газ базаси
	2.5.	Газни фракциялаш заводи комплекси
	2.6.	Электр таъминоти комплекси
	2.7.	Бир изли темир йўллар (битта йўлли темир йўл)
	2.8.	Икки изли темир йўллар
	2.9.	Кўп изли темир йўллар
	2.10.	Темир йўл кириш йўли (темир йўл кириш йўли)
	2.11.	Корхона ички темир йўллари
	2.12.	Фермер хўжалиги ичидаги йўл
	2.13.	Сикилган ва суюлтирилган газлар учун бошқа металл идишлар
	2.14.	Бошқа тоифаларга киритилмаган, сикилган ёки суюлтирилган газлар учун қора металл ва алюминийнинг бошқа идишлари
	2.15.	Машиий чиқиндиларни сақлаш полигони
	2.16.	Аэродромнинг учиб-қўниш йўлаклари, шу жумладан таксилар йўллари ва шунга ўхшаш аэродром иншоотлари, бинолардан ташқари
	2.17.	Даре юк бекатлари
	2.18.	Бошқа гуруҳларга киритилмаган қора металлнинг бошқа панжарали устунлари
	2.19.	Йўл куприги
	2.20.	Қора металл ва алюминийдан тайёрланган резервуарлар (резервуарлар), сув омборлари ва бошқа идишлар (сикилган ёки суюлтирилган газ учун идишлардан ташқари).
	2.21.	Газ турбинаси электр станциясининг бинолари
	2.22.	Йўл ўтказгичлар ва галереялар
	2.23.	Фавворалар ва газ кутариш ускуналари
	2.24.	Тусиқлар (тусиқлар) ва темир-бетон тусиқлар
	2.25.	Тусиқлар (тусиқлар) ва бошқа тусиқлар
	2.26.	Металл тусиқлар (тусиқлар)
	2.27.	Автомобил йўллари
	2.28.	Алоҳида жойлашган радио миноралар
	2.29.	Мустақил радиостанциялар
	2.30.	Темир-бетон резервуарлар

	2.31.	Горизонтал пластинка урнатилган идишлар ва газ ушлагичлар
	2.32.	Бассейнлар ва газ идишлари
	2.33.	Қидирув бургулаш учун газ кудуги
	2.34.	Ишлаб чиқаришни бургилаш учун газ кудуги
	2.35.	Нефт қазиб олиш кудуги (газ қазиб олиш буйича)
	2.36.	Газ қазиб олиш кудуги
	2.37.	Канализация тозалаш иншооти
	2.38.	Қурилиш газ-кимё корхоналари
	2.39.	Чиқинди сувларни тозалаш иншоотлари
	2.40.	Газни суюлтириш, сақлаш ва қайта газлаштириш ускуналари
	2.41.	Қазиб олинadиган газ саноати объектлари
	2.42.	Темир йўл транспорти воситалари
	2.43.	Асосий қувур транспорти иншоотлари
	2.44.	Қопламасиз ишлаб чиқариш жойлари
	2.45.	Қопламали ишлаб чиқариш жойлари
	2.46.	Электр таркатиш пункти
	2.47.	Антенна-устун тузилиши
	2.48.	Асосий сув олиш иншооти
	2.49.	Газни тозалаш учун бош бино
	2.50.	Газли ва суюқ углеводородларни олтингугурт бирикмаларидан тозалаш иншоотлари
	2.51.	Газни тозалаш иншооти
	2.52.	Нефтни тозалаш мосламаси
	2.53.	Нефт ва газни йиғиш тармоғи
	2.54.	Алоқа ва радио тармоғи
	2.55.	Иситиш магистрал тармоғи
	2.56.	Епиқ сув таъминоти тизими
	2.57.	Айланма сув таъминоти тизими
	2.58.	Мобил объектлар билан алоқа тизими
	2.59.	Мобил қурилмалар билан ички телефон алоқаси тизими
	2.60.	Нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқа тузилмалари
	2.61.	Нефт ва газни қайта ишлаш корхоналарининг бошқа тузилмалари
	2.62.	Нефт ва газ қазиб олишни ривожлантириш объектлари
	2.63.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун иншоотлар
	2.64.	Бошқа гуруҳларга киритилмаган ёқилғи-энергетика корхоналарининг бошқа тузилмалари
	2.65.	Алоқа воситалари

	2.66.	Ёқилги-энергетика, нефт-кимё, газ-кимё ва кимё корхоналари бинолари
	2.67.	Енгил конструкцияли қурилмалар
III		Узатиш қурилмалари
	3.1.	Сув қувурлари
	3.2.	Газ қувури
	3.3.	Магистрал газ қувури
	3.4.	Канализация тизими
	3.5.	Асосий конденсат қувур линияси
	3.6.	Асосий маҳсулот қувури
	3.7.	Маҳаллий технологик алоқа линиялари (кабеллари)
	3.8.	Интернет зонаси алоқа линиялари (кабеллар)
	3.9.	Алоқа линиялари (кабеллари) ер усти ва ер ости магистрالي
	3.10.	Бошқа алоқа линиялари
	3.11.	Радисреле алоқа линиялари
	3.12.	Телефон тармоғини боғлайдиган алоқа линиялари
	3.13.	Маҳаллий электр узатиш линиялари
	3.14.	Маҳаллий кабел линиялари
	3.15.	Қувурларни ётқизиш учун манифолдлар
	3.16.	Газ турбинаси корпуси
	3.17.	Буг турбинаси корпуси
	3.18.	Интерфейс нефт қувури
	3.19.	Магистрал қувурлардан тармоқ
	3.20.	Металл вертикал цилиндрли танклар парки
	3.21.	Технологик ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва текшириш учун тўсиклар билан жиҳозланган платформалар
	3.22.	Дарё понтонлари
	3.23.	Сузувчи тўшамалар
	3.24.	Технологик алоканинг чизикли кабел линиясини қуриш
	3.25.	Технологик қувур
IV		Бошқа қўчмас мулк объектлари

Назаров А.К.

**КУЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Бичими 60x84 1/16. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи: 11,5 . Адади 100. Буюртма № 32.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси»

босмахонасида чоп этилган.

Босмахона манзили: 100170, Топкент ш., Зиёлилар кучаси, 13-
уй.

« Fan ziyosi » нашриёти.